

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021. Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ЭШМУРОДОВ ЗИЁДУЛЛО ОРИПОВИЧ

**КОН ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИДА РОСТЛАНУВЧИ ЭЛЕКТР
ЮРИТМАЛАР АСОСИДА ЭНЕРГИЯ ВА РЕСУРС ТЕЖАМКОР
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**04.00.16 – Кон машиналари;
05.05.01 – Энергетик тизимлар ва мажмуалар**

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Эшмуродов Зиёдулло Орипович

Кон транспорт тизимларида ростланувчи электр юритмалар
асосида энергия ва ресурстежамкор технологиялар.....3

Эшмуродов Зиёдулло Орипович

Энерго- и ресурсосберегающие технологии на основе
регулируемого электропривода в горнотранспортных системах.....27

Eshmurodov Ziyodullo Oripovich

Energy and resource-saving technologies based on adjustable electric
drive in mining transportation systems.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 55

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ЭШМУРОДОВ ЗИЁДУЛЛО ОРИПОВИЧ

**КОН ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИДА РОСТЛАНУВЧИ ЭЛЕКТР
ЮРИТМАЛАР АСОСИДА ЭНЕРГИЯ ВА РЕСУРС ТЕЖАМКОР
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**04.00.16 – Кон машиналари;
05.05.01 – Энергетик тизимлар ва мажмуалар**

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.DSc/T325 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бобожанов Махсуд Каландарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Назиржон Мукаррамович
техника фанлари доктори, профессор

Умаров Фарходбек Яркулович
техника фанлари доктори, доцент

Джураев Рустам Умарханович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» ноябр соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, sher-z@mail.ru).


Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (78 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2021 йил 9 ноябр куни тарқатилди.
(2021 йил 9ноябр 38 рақамли реестр баённомаси).




И.Т.Мислибаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Ш.Ш.Заïров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор


Н.А. Абдуазизов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда технологик машина ва механизмлар самарадорлигини ошириш ҳамда электромеханик тизим элементларини такомиллаштириш орқали яхшилаш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, ташиш жараёнлари энергетик самарадорлигини ошириш учун электр механик мажмуаларни такомиллаштириш ва ростланувчи электр юритмаларни бошқариш, транспорт-технологик жараёнларининг самарадорлигини оширувчи техник восита ва технологияларни ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгаламоқда. Ушбу соҳада частотавий ростланадиган электр юритмали кон транспорт ускуналарида энергия ва ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш, лентали конвейерлар, майдалагичлар ва уларни электр юритмаларини энергия самарадор иш режимларини ишлаб чиқиш, уларга таъсир кўрсатувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, частотавий ростланувчи электр юритмаларни бошқариш схемаларини, янги энергия ва ресурс тежамкор технологияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кончилик корхоналари кон-транспорт тизимларини яхшилаш, электр механик тизим элементларини замонавий ростланувчи қурилмалар билан алмаштириш, бошқариш усулларида фойдаланиш орқали кон-металлургия саноатида энергия самарадор ва ресурс тежамкор технологияларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, кон транспорт тизимлари иш унумдорлигини ошириш, конвейер қурилмаларида электр энергия сарфини камайтириш, конвейер иш режимига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида кон массаларини ташиш учун конвейер технологик схемасини тадқиқ қилиш, лентали конвейер ҳаракати умумий қаршилигига боғлиқ равишда конвейер юритмаси юкмасини аниқлаш ва «юк – лента – таянч ролик» тизими динамик моделини ишлаб чиқиш, лентали конвейер частотали ростланувчи энергия самарадор электр юритмаларини лойиҳалаш алгоритмининг ва математик моделини ишлаб чиқиш ва кон-транспорт тизими электр юритмаларининг кучли токли ташкил этувчиларини коммутациялаш учун ярим ўтказгичлар асосида контактсиз ишга туширгичларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кон массаларини ташиш учун цикли оқим технологиялар ва тик қияли конвейерларни қўллаш, уларнинг самарадорлигини тадқиқ қилиш, энергия ва ресурс тежамкор технологиялар қўлланилиш самарадорлигини ошириш, электр энергия истеъмолини тежаш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида¹ « энергия тежамкор ва экологик хавфсиз технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича илмий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлар тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

изланишларни кенгайтириш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда кон транспорт тизимларини энергия ва ресурс тежамкорлик самардорлигини ошириш, кон транспорт тизимлари тузилмаси ва конвейерлар рационал кўрсаткичларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш, лентали конвейерлар самардорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, ушбу конвейерларда ростланувчи электр юритмаларни қўллаш ва уларнинг динамик и энергетик тавсифларини шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш вазифаларини бажариш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларга мўлжалланган, ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, диверсификациялашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ростланувчи электр юритмалар асосида кон массасини қазииш ва ташиш жараёнларининг энергия самардорлигини оширишга, технологик ускуналарда энергия ва ресурс тежамкор режимларини жорий этишга, кон машиналари ва энергия ва ресурс самардорлигини ошириш усуллари ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Massachusetts Institute of Technology, University of Texas at Austin (АҚШ), Curtin University (Австралия), McGill University (Канада), Technische Universität Bergakademie Freiberg (Германия), Aalborg University (Дания), Kyushu University, Токио технологик институти (Япония), «Москва энергетика институти» ИТУ (Россия), Москва пўлат ва қотишмалар институти (Россия), Кузбасс давлат кончилик университети (Россия), Украина миллий кончилик университети (Украина), «Ўзбекэнерго» АЖ «Илмий техник маркази», Тошкент давлат техника университети ва Навоий давлат кончилик институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Кон-металлургия саноатида энергия ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, рудани тайёрлаш ва ташиш жараёнларида

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.atlasrockbit.com, <http://www.varelintl.com>, www.dissercat.com, <http://vbm.ru>, <https://www.amozon.com>, <http://www.mirknigi.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

энергия тежамкорликни ошириш, технологик ускуналарни бошқариш усулларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: кон-металлургия саноатида машина ва механизмлар электр юритмаларини бошқариш назарияси ривожлантирилган (Maassachusetts Institute of Technology, АҚШ); умумсаноат машина ва механизмларининг энергия тежайдиган электр юритмалари учун ноаниқ мантикий ёндашув яратилган (McGill University, Канада); технологик жараёнларни ростланувчи электр юритма воситалари орқали оптимал бошқариш тизими ишлаб чиқилган (Aalborg University, Дания); бойитиш жараёнида кон машиналарининг энерготежамкор режимлари ишлаб чиқилган (AGH University of Science and Technology, Польша); автоматлаштирилган электр юритмаларни ишга тушириш режими ва динамик жараёнларини қуллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Москва пўлат ва қотишмалар институти, Россия; University of Texas at Austin, АҚШ).

Жаҳонда кон транспорт тизимларида ростланувчи электр юритмалар асосида энергия ва ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқишга оид қуйидаги устувор йўналишлар бўйича қатор, жумладан, кон машиналари частотавий ростланувчи электр юритмалар воситаларида энергия ва ресурс тежамкорлик технологияларини ишлаб чиқиш; конвейерлар самарадорлигини ошириш ва конструкциясини такомиллаштириш; нейротўр технологиялар ва ноаниқ мантиқ назарияси асосида кон машина ва механизмлари ҳаракатини оптималлаштириш каби тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамалакатимизда кон-металлургия соҳаси илмини ривожлантиришга В.Р.Раҳимов, Қ.С.Санакулов, Н.И.Кучерский, Е.А.Толстов, Б.Р.Раимжанов, Ю.Д.Норов, О.Н.Мальгин, В.Н.Сытенков, У.Ф.Насиров, Ш.Ш.Заиров, И.Т.Мислибаев, А.М.Махмудов, Ж.Б.Тошов, Ф.Я.Умаров, Л.Н.Атакулов, Н.А.Абдуазизов ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Хориж амалиётида кон-металлургия саноатида кон массаларини қозиш ва ташишда энергия тежамкор технологиялар, кон машиналари энергия самарадор частотавий бошқариладиган электр юритмалари, кон машиналари ростланувчи электр юритмалари воситаларида энергия тежаш масалалари бўйича Н.Ф.Ильинский, А.Е.Козярук, А.М.Вейнгер, Р.Т.Шрейнер, И.Я.Браславский, В.И.Ключев, В.М.Завьялов, И.Ю.Семькина, В.К.Босе, М.Депенброк, G.Dong, J.Holtz, T.Noguchi, I.Takahashi, C.Thanga Raj ва бошқа олимлар шуғуланганлар.

Ўзбекистонда энергия ресурсларидан саноатда самарали фойдаланиш ва электр энергиясини истеъмол қилишни оптималлаш ва меъёрлаштириш, ростланувчи электр юритмалар воситасида электр моторлар энергетик самарадорлигини ошириш масалалари М.З.Хамудханов, К.Р.Аллаев, Т.Х.Насыров, Т.С.Камалов, Н.М.Арипов, М.К.Бобожанов, О.Х.Ишназаров, А.И.Қаршибаев, О.З.Тоиров, Қ.Ф.Абидов ва бошқа ўзбек олимлари ишларида кўриб чиқилган.

Олиб борилган илмий ишларга қарамасдан кон-транспорт тизими учун ростланувчи электр юритмалар асосидаги энергия ва ресурстежамкор технологиялар ишлаб чиқиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №БВ-Ф5-006 «Маҳсулот сифати ва ишлаб чиқаришни ошириш учун кон жинсларини қозиш, қайта ишлаш ва ташиш жараёнларини автоматик бошқариш тизими илмий асосларини ишлаб чиқиш», №БА-А3-035 «Тоғ-кон комплекслари электр юритгичлари динамик жараёнлари, энергия ва ресурс тежамкорлик режимлари», № ОТ–Атех-2018-357 «Контактсиз қурилмалар қўллаш йўли билан электр таъминоти тизимлари энергия самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш» мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кон транспорт тизимларида ростланувчи электр юритмалар асосида конвейерлар энергия самарадорлигини ошириш имконини берувчи энергия ва ресурс тежовчи технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

конвейер иш режимига таъсир этувчи конструктив ва технологик омилларни аниқлаш мақсадида кон массаларини ташиш учун конвейер технологик схемасини тадқиқ қилиш;

кон массаларини ташишда ростланадиган электр юритма иш режимини оптималлаш учун «конвейер-бункер-конвейер» тизими бўйича конвейер транспорти технологик схемасини тадқиқ қилиш;

лентали конвейер ҳаракати умумий қаршилигига боғлиқ равишда конвейер юритмаси юкламасини аниқлаш ва «юк-лента-таянч ролик» тизими динамик моделини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;

юклама ва машина параметрлари, динамик кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликни ўрнатиш мақсадида асинхрон электр юритмаларни ишга тушириш режимлари ва динамик жараёнларини тадқиқ қилиш;

частотали ростланадиган асинхрон электр юритмалардан фойдаланиш асосида конвейерларни ишлаш самарадорлигини аниқлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

кон-транспорт тизими электр юритмаларининг кучли токли ташкил этувчиларини коммутациялаш учун ярим ўтказгичлар асосида контактсиз ишга туширгичларни яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида лентали конвейерлар ва кон-транспорт машиналари ва уларнинг кириш юк оқим функцияси бўйича ростланувчи электр юритмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети конвейерлар иш режимлари ва унинг электр юритмалари ҳамда уларни самарадорлик кўрсаткичлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда кон машиналари ва электр юритмаларнинг замонавий усуллари, электр механик тизимларини

математик моделлаштириш, ишлаб чиқариш энергия самарадорлиги ва сифимдорлигини аниқлаш бўйича комбинациялашган усул, қиёсий таҳлил, аналитик ҳисоблаш ва статистик ишлов беришдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

кон транспорт тизимларига қўйиладиган техник-технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда лентали конвейерлар энергия самарадорлигини ошириш учун конвейерлар иш самарадорлигига таъсир этувчи конструктив ва технологик омиллар аниқланган;

кон массаларини ташиш учун конвейер транспорти мехатрон тизими иш режимини ростлаш имконини берувчи электр юритмаларга эга «конвейер-бункер-конвейер» тизими бўйича технологик схема асосланган;

тортиш қурилмаси ва юритмадаги юкламани аниқлаш, параметрларни оптималлаш ҳамда электр энергия исрофини минималлаш учун «юк-лента-таянч ролик» тизимида конвейер қурилмаси кучланиш-деформация ҳолатини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

конвейер юк ташиш самарадорлигини лента тезлигини ростлаш режимига ва юритма моторларини фойдали иш коэффициентига, шунингдек лента юкланиши характеридаги тасодифийликни ҳисобга олувчи ташишда ўртача меъёрий энергия сарфини шакллантирувчи жараён математик модели ишлаб чиқилган;

асинхрон электр юритмаларнинг динамик хусусиятларини аниқлаш учун юклама ва машина параметрлари, динамик қўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда аналитик боғлиқликлар олинган;

кон массаларини ташишда энергия тежамкорлигига эришиш учун юклама ҳажми ва унумдорликни оширишни ҳисобга олувчи лентали конвейернинг частотавий ростланувчи электр юритмаларини ишлаш самарадорлигини аниқлаш алгоритми ва математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

лентали конвейерлардаги электр энергия сарфи ва энергия ва ресурс тежамкор иш режимларини аниқлаш усули асосида кон-транспорт тизимлари самарадорлигини ошириш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

кон массаларини ташувчи конвейерлар учун электр энергия истеъмолини камайтирувчи, кучланишнинг кенглиги бўйича импульсли модуляцияланган (ШИМ) инверторли частотавий ростланадиган электр юритма ишлаб чиқилган;

тезлик контурига топширикни юк оқимининг ҳажми бўйича квантлаш блоклари ва жадаллаштириш топширгичи ёрдамида шакллантирадиган, юк оқимига боғлиқ тезликни ростлашни бошқариш схемаси ишлаб чиқилган;

юклама ҳажми ва унумдорликни ҳисобга олувчи лентали конвейерлар энергия самарадор ростланувчи электр юритмаларини яратиш учун алгоритмлар ва дастурий таъминотлар кўринишидаги инструментлар воситалар ишлаб чиқилган;

кон-транспорт тизими ёрдамчи қурилмалари юритмаларидаги бир ва уч фазали электр моторларни ишончли коммутациялашни таъминлаш учун ярим ўтказгичли элементлари базасида янги контактсиз ишга туширгичлар яратилган (FAP 01474, 03.01.2020; FAP 01506, 22.05.2020).

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалиётда математик усуллар ва моделларни қўлланилиши, уларни ўрганилаётган жараёни баҳолашни маълум мезонлари бўйича адекватлиги, маълум назарий ва экспериментал кўрсаткичларни қўлланилиши, аналитик ифодалар билан тасдиқланганлиги, шунингдек кон саноати корхоналарида ростланувчи электр юритмалар воситасида электр энергия йўқолишини камайтириш усуллари жорий этиш орқали асосланганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Олиб борилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти конвейер юритмалари юкламаларини «юк – конвейер лентаси – таянч ролик» тизимига боғлиқ аниқланганлиги, конвейер тизими энергия самарадорлигини ошириш имконини берувчи, ташиш қўндаланг кесимини ошириш ва максимал қиялик бурчагини, юклама ҳажми ва унумдорликни ҳисобга олувчи лентали конвейер юритмасини энергия самарадор ишини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кон транспорт тизимларида ростланувчи электр юритмалар асосида энергия ва ресурс тежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, юк оқимига боғлиқ тезликни ростлаш схемасини ишлаб чиқиш, шунингдек энергия ва ресурс тежамкор технологияларни кон-металлургия тармоғи корхоналарида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кон-металлургия саноатида кон массаларини ташиш учун частотавий-ростланувчи электр юритмаларини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

частотавий ростланувчи асинхрон электр юритмали конвейерлар энергия ва ресурс тежамкор иш режимлари ҳамда конвейер мехатрон тизимларида ишлаб чиқилган юк оқимига боғлиқ тезликни ростлаш схемаси Навоий кон-металлургия комбинати 4-сон гидрometаллургия заводида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 19 февралдаги 02-06-07/2040-сон маълумотномаси). Натижада, қўллаш электр энергия истеъмолини ўртача 30% га, мотор моментини ўта ростлашни 15% гача, юритма моторлари ўртасидаги юклама тенг тақсимланишини 10%га камайтириш имконини берган;

такомиллаштирилган лентали конвейерларни ишга туширишни бошқариш тизими Навоий кон-металлургия комбинати 4-сон гидрometаллургия заводида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 19 февралдаги 02-06-07/2040-сон маълумотномаси). Натижада, ишга тушириш режимларида электр энергия сарфи 15-25%га ва динамик ўта юкланишни 2-3 мартага камайтириш имконини берган;

рудани ташиш ва майдалашда энергия самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш учун кон массаларини ташиш ва майдалаш машина ва механизмлари энергия ва ресурс тежамкорлигини аниқлаш усули Навоий кон-металлургия комбинати 4-сон гидрометаллургия заводида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 19 февралдаги 02-06-07/2040-сон маълумотномаси). Натижада, бирлик маҳсулотни ишлаб чиқиш учун электр энергиянинг солиштирма меъёрини тоннасига 1кВт соатга тежаш имконини берган;

ярим ўтказгич элементлар базасида янги ишга туширгичлар ёрдамида кон транспорт тизими ёрдамчи қурилмалари учун уч ва бир фазали электр моторларини коммутациялаш жараёнини такомиллаштириш усули Навоий кон-металлургия комбинати 4-сон гидрометаллургия заводида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 19 февралдаги 02-06-07/2040-сон маълумотномаси). Натижада, технологик циклда сарфларни камайтириш, юритма асосий қисмлари ишлаш муддатини узайтириш ва кон транспорт тизимлари ёрдамчи қурилмалари юритмасидаги электр моторларни ишончли коммутациялаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг натижалари 8 та республика ва 20 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 68 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан 18 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 176 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Энергия ва ресурс тежамкор технологиялар ривожланишининг замонавий тенденциялари ва кон транспорти тизимлари энергия самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар**» деб номланган биринчи бобида Зармитан олтин-

руда зонасидаги технологик схема ва ишлов бериш комплекси рудани ташиш схемаси таҳлил қилинган, назарий тадқиқотлар учун патент излаш ва адабиётлар таҳлили натижалари, юк оқимини конвейер тезлиги функцияси бўйича ростлаш бўйича ишлар таҳлили келтирилган, кон транспорт тизими энергия самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар аниқланган.

1-расмда 4-сон гидрометаллургия заводида рудани тайёрлаш ва ташиш технологик схемаси қурилмалари электр моторлари юкламалари диаграммаси келтирилган.

Руда тайёрлаш ва руда ташиш мажмуаси технологик схемаси электр моторлари иш режими таҳлил қилинганда, электр моторлари номинал юкламаларининг ярмидан камроқ яъни 33,7-50,39% юклама билан ишлашлари аниқланди.




1- расм. Рудани тайёрлаш ва ташиш технологик схемаси қурилмалари электр моторлари юкламаси диаграммаси.

Кон-транспорт тизими энергия самарадорлигига технологик ва техник омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда конвейер тизимларида ростланувчи электр юритмаларни энергия сарфини камайтириш ва унумдорликни ошириш мақсадида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «**Кон транспорт тизими лентали конвейерлари самарадор иш режимларини таъсир этувчи факторларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи боби лентали конвейерлар конструкцияси ва технологик иш режимлари таҳлиliga, лентани тезлиги ростланмаган ва ростланган ҳолда лентали конвейерлар ишлаш самарадорлигига, кон транспорт тизими лентали конвейерлари иш режими самарадорлигига параметрлар таъсирини тадқиқ қилишга, лентали конвейерлар нотекис юкланиши юритмалар моторларига, шунингдек ташишдаги энергия сарфига бағишланган.

Рудани ташиш ва майдалаш технологик схемаси 2-расмда келтирилган. Олдиндан аралаштирилган руда автоюклагичлар ёрдамида майдалагични қабул қилиш бункерига қуйилади. Юкланиш частотаси майдалаш, майдалаш ва саралаш машинаси (ДПСМ) оператори томонидан назорат қилинади. Йиғувчи бункер тўла бориши билан С-125 майдалагичининг ишлаши тўхтайтилади. Майдаланган маҳсулот пластин таъминловчи ПП-1-15-60Бдан КЛС-1 лентали қияли конвейерга берилади,

сўнгра КЛС-2 тескари конвейер ёрдамида йиғувчи бункер бўлинмалари ўртасида тақсимланади. С-125 ишлаётганда, №1 тегирмон блокининг иккита таъминловчилари тўлдирилади, шу билан бирга иккала ПП-1-15-60-Б пластин таъминловчилар КЛС-3 лентали конвейери орқали ММС 70x23 тегирмонига руда узатади (2-расм).




2-расм. Рудани майдалаш ва ташиш технологик схемаси


Технологик схема самарадорлигига тезликни ростлаш таъсирини аниқлаш учун «конвейер-бункер-конвейер» схемаси модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Ишлаб чиқилган моделни қўллаб «конвейер-бункер-конвейер» тизимида ташишда меъёрий энергия E сиғимини ўртача юк оқимида m_Q боғлиқлик графиклари аниқланган. 3-расмда бошқарилмайдиган бункер ҳолатидаги ($\omega = \text{const}$) (1) ва лента тезлигини ростланганда бункер тепасидаги конвейерни номинал унумдорлиги турлича бўлганда E ни m_Q га боғлиқлиги $Q_{m1} = 5; 6; 7$ т/мин тенг бўлганда (2, 3, 4) келтирилган.

«Конвейер-бункер-конвейер» тизими бункер устидаги конвейерини тезлиги ростланганда, бу тизимнинг ўрта ва солиштирма энергия сиғими бункер устидаги конвейер тезлиги ростланмагандагига нисбатан ўртача 23 фоизга камаяди. Агар юк оқимининг қиймати бункер устидаги конвейерда $m_Q \geq 6,8$ т/мин, бўлса у ҳолда «конвейер-бункер-конвейер» тизимининг E меъёрий энергия сиғими бункер устидаги конвейер лентасининг ростланмайдиган ва ростланадиган ҳоллардаги тезлиги бункер устидаги конвейерга келадиган m_Q юк оқимидан қатъий назар ўзгармас қийматни қабул қилади ва бункер устидаги конвейернинг Q_{m1} унумдорлигининг номинал қийматига боғлиқ бўлмайди.




3-расм. «Конвейер–бункер–конвейер» модели



4-расм. Меъёрий энергия сигимини (E) «конвейер – бункер – конвейер» тизимида ўртача юк оқими (m_0) боғлиқлиги графиги

Бу графиклардан кўринадикки, конвейер лентаси тезлиги ростланганда конвейерга келаётган юк оқими катталиги икки марта камайган ҳолатда лентада чизикли юклама доимий максимал бўлганда конвейер лентаси тезлиги ростланганда электр энергия йўқотиш 30% га камаяди.


Лентали конвейерлар энергия самарадор ишлашига конструкцияси ва параметрларини, ҳамда тортиш кучлари таъсирини аниқлаш учун конвейер тизимининг схемаси тадқиқ қилинди (5-расм).



5-расм. Лентани тортиш кучлари

Ташиш жараёнида лентани роликка ишқаланиши ва қиялик қаршиликлари натижасида ҳосил бўладиган механик қаршилиқлар умумий қаршилиқ $F_{\text{умум}}$ таркибида бўлади. Умумий қаршилиқ, шунингдек лентани ҳаракати тезлиги v юклама ҳажмига тўғридан тўғри, яъни юк оқими J тезлигига ва кўтариш баландлиги H га боғлиқ.


Лентали конвейерларни самарадорлигига таъсир кўрсатувчи параметрлардан бири лента ҳаракатига қаршилиқдир. Буни ҳисобга олган ҳолда электр юритмалар танлашга боғлиқ равишда ҳисобий қаршилиқлар аниқланган (6-расм). Бунда конвейер тизимининг умумий қаршилиги алоҳида ташкил этувчиларга бўлинган.



а) б)

6-расм. Оқимга (J) боғлиқ қаршилиқ (F) тақсимоти


Куч тарқалиши асосида юритма ишлаши учун ростланадиган ва ростланмайдиган тезлик учун қувватлар тақсимланиши аниқланган (7-расм).



7-расм. Оқим J га боғлиқ ҳисобланган қувват P ни тақсимоти

7,а-расмда тезлик ростланганда ва ростланмаганда электр энергиянинг истеъмоли кўрсатилган. Мотор манбага тўғридан тўғри уланганда истеъмол қуввати камаяди, чунки ўзгартиргичда қўшимча йўқотиш бўлмайди, гармоник йўқотишлар тезлик ростланганда моторда пайдо бўлади.


Электр юритма самарадорлиги $\eta_{юрита}$ узатиш, двигатель ва ўзгартиргич самарадорликлари йиғиндиси сифатида аниқланади ва тезлик ростланиш режимида ростланмайдиган режимдагига нисбатан доим кам (8, б-расм). Шу билан биргаликда конвейер лентаси юритмаси талаб қиладиган қувват частотали ростланувчи электр юритма қўлланилганда қисман юклама диапазониди камроқ. Бу эса қисман юклама диапазонини юритма ФИК, тармоқ қуввати кам бўлишига қарамасдан камайтиради ва шундай қилиб энергия сарфини ҳам камайтиради (8, а-расм).




8-расм. Тезлиги ростланмайдиган ва ростланадиган юритмаларни таққослаш: а) конвейерни ҳисобланган истеъмол қуввати; б) конвейер электр юритма ҳисобланган электр энергия самарадорлиги $P_{эл}$, $\eta_{юритма}$ ФИК

Лента кенглиги мумкин бўлган кўндаланг кесимни тўлдиришга бевосита таъсир кўрсатади. Бу лента кенглигини оширади ва энергия истеъмолини камайтиради. Лента кенглигини ошиши энергия тежаш салоҳияти 40% ни ташкил этади (9-расм).

Тизимнинг истеъмол қувватини максимал қиялик бурчагига боғлиқлиги аниқланди. Қияликнинг энг кичик бурчаги электр истеъмолини камайишига олиб келади. Шунинг учун 10 % атрофида энергияни тежаш учун паст бурчакли кон массаларини ташиш тизими тавсия этилади (10-расм).



9-расм. Лента кенглиги турлича бўлганда қувватни ўзгариши




10 расм. Қиялик бурчагига боғлиқ қувватни ўзгариши

Тортиш кучининг энергия тежаш потенциали мавжуд ва ушбу мисол учун тахминан 25 % ташкил этади.

Диссертациянинг «Конвейер электр юритмаси структурасини оптималлаштириш ва тортиш органини ҳисобга олган ҳолда лентали конвейерлар иш самарадорлигини моделлаштириш» деб номланган учинчи бобида энергия самарадорлик мезони бўйича ростланувчи юритмали конвейер электр юритмасини оптималлаш структура схемаси, юритма иш режими ўзгармаганда лентали конвейер электр юритмалари орасидаги тортиш кучини тақсимлаш усули, юритмали барабанлар тортиш имкониятлари ва конвейер участкаларида ленталарни тортилишлари ўзгариши ишлаб чиқилган.

Кончилик корхоналари самарадорлиги энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, шунингдек технологик қурилмалар иш режимларини ва структурасини оптималлаш билан боғлиқ.



11-расм. Энергия самарадорлик мезони бўйича электр юритмани оптималлаш структуравий схемаси


Юк ташишда электр энергия истеъмолига ташқи омилларни таъсирини аниқлаш мақсадида, шунингдек, лентали конвейер механик ташкил этувчиларини электр энергия истеъмолини аниқлаш, ростланувчи электр юритмали конвейерни мехатрон тизимини оптималлаш учун энергия самарадорлик мезони бўйича структура схемаси ишлаб чиқилган (11-расм).

12-расмда математик моделлаштириш натижалари кўрсатилган. Бундан кўринадики, лента тезлиги ошганда электр юритмадаги қаршилик моменти камаяди, яъни тезлик ошиши билан конвейер Ф.И.К салт ишлашига мос келадиган қаршилик моменти ошиши ҳисобига камаяди.


Лента тезлигига боғлиқ равишда конвейерда кон массаларини ташишда энергия истеъмолининг ўзгариши 13-расмда келтирилган. Меъёрий энергия сарфига таъсир қилувчи омиллар, лента мустаҳкамлиги, конвейер двигателининг номинал моменти, лентани қабул хусусияти ва мотор қуввати ҳисобланади. График таҳлили шуни кўрсатадики, юк ташишдаги меъёрий энергия сарфини мутлоқ қиймати тезлик 2 м/с бўлганда 3,69 кВт·с/(т·км), тезлик 4 м/с бўлганда эса - 11,7 кВт·с/(т·км)ни ташкил этади.

Лента тезлигини ростлаш орқали юк ташишдаги меъёрий сарфни ўзгаришини аниқлаш мумкин. Агар лента тезлигини 2 марта оширсак, юк ташишдаги меъёрий энергия сарфи 3,2 марта, лента тезлигини $v=2,8$ м/с гача камайтирсак, юк ташишдаги ўртача меъёрий энергия сарфи 13,5% га 3,2 кВт·с/(т·км) гача камаяди.

Конвейер лентаси тезлигини ростлаш усуллари ва юритма структурасини энергия самарадорлик мезони бўйича оптималлаш конвейер технологик параметрларини ва юк ташиш режимини, конвейер электр ва механик ташкил этувчиларини конструктив параметрларини, шунингдек лента тезлигини ростлаш усуллари ҳисобга олган ҳолда конвейерда юк ташишдаги ўртача меъёрий энергия сарфига таъсирини ҳисобга олиш имконини беради.



12-расм. Лента тезлиги $v=2$ м/с (а) ва $v=4$ м/с (б) бўлганда қаршилик моментини энергия истеъмолига боғлиқлиги




13-расм. Кон массасини ташишдаги энергия истеъмолини $W(T)_{cs}$ лента тезлигига v боғлиқлиги

Энергия самарадорликка таъсир этувчи омиллар аниқланди: лента тезлиги, юк оқими ва ленталардаги юклама, шунингдек транспорт машиналарининг техник параметрлари (редуктор узатишлари сони), технологик схеманинг параметрлари (ташиш узунлиги, ташиш бурчаги). Лента тезлиги конвейернинг электр юритмаси иш режимини оптималлаш учун қўлланилади.

Конвейерларнинг самарадор ишлашига таъсир этувчи тортиш қурилмасини ҳаракатида пайдо бўладиган қаршиликларини асосий сабабларини аниқлаш учун «юк-конвейер лентаси-таянч ролик» (ЮЛР) тизими моделлаштирилди.


«Юк-конвейер лентаси-таянч ролик» тизимини моделлаштириш, 14-расмда келтирилган ҳисоблаш схемаси бўйича босқичма - босқич олиб борилди.

Подшипниклардаги юкламани юк оқими доимий бўлганда юкламани катта қисми (65-70%) ўрта роликка тушишини ҳисобга олган ҳолда ўрта роликда максимал юкланиш бўлиши аниқланди. Ён томондаги роликларга 30% юклама тўғри келиши, бунда ўрта ролик подшипникларига юклама ён ролик подшипникларига нисбатан 2,5 марта кўп бўлиши аниқланди.



14-расм. ANSYS Workbench дастурида структуравий моделлаштириш схемаси

ЮЛР тизими тадқиқотлари натижалари 15-расмда кўрсатилган. Бу расмда роликлар ҳамда таянч роликлар орасидаги бўшлиқда деформациянинг тарқалиш майдони акс эттирилган. Бу ҳолда лента максимал осилиши 16 мм ва лентанинг минимал деформацияси ўрта роликда кузатилиб, 1,55 ммни ташкил этади ва бу берилган тортилишдаги ҳақиқий расмни акс эттиради.



15-расм. Модулда деформацияни тарқалиши

Кириш юк оқимини нотекислигини ҳисобга олган ҳолда, T вақт интервалида юк ташишдаги меъёрий энергия сарфи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$W_{CB}(T) = \frac{\int_0^T \frac{F_0 + k_m \cdot q(t) \cdot v(t)}{\eta(t)} dt}{m_{\Sigma}(T) \cdot L}, \text{ кВт} \cdot \text{ч} / (\text{т} \cdot \text{км}), \quad (1)$$

бу ерда, F_0 – конвейерни салт юришида айланма тортиш кучи; k – лента чизикли юкланиши ошганда конвейер юритмасидаги айланма тортиш кучининг ошиши; $q(t)$ – t вақтда лентани ўртача чизикли юкланиши; $v(t)$ –

ташиш тезлиги, м/с; $\eta(t)$ – t вақт ичида лентали конвейер юритмаси умумий ф.и.к.; $m_{\Sigma}(T)$ – T вақтда конвейер фаолиятида силжитилган юк массаси йиғиндиси; L – конвейерда юкни ташиш узунлиги, ташиш жараёни технологик фактори ҳисобланади.

Қилинган таҳлил шуни кўрсатадики, ўртача меъёрий энергия сарфига $W_{св}$ ташиш тезлиги v (тўғри боғлиқлик), шунингдек конвейер электр юритмаси Ф.И.К ва лента юкланиши (тескари боғлиқлик) энг сезиларли таъсир кўрсатади. Бу конвейер транспорти тезлиги ва кириш юк оқими билан боғлиқ.

Қуйидаги параметрлар лентали конвейерларда юк ташишда меъёрий энергия истеъмолига таъсир кўрсатади :

1) лентали конвейерларда юк ташишдаги технологик параметрлар

$$P_T [Q(t), v(t), L, \beta], \quad (2)$$

бу ерда $Q(t)$ – кириш юк оқими; $v(t)$ – лента тезлиги; L – ташиш узунлиги; β – ўртача ташиш бурчаги.

2) лентали конвейер конструктив параметрлари

$$P_K (q_0, q'_p, q''_p, \omega'k_s, D, u_p, P_{\text{э}}), \quad (3)$$

бу ерда q_0, q'_p, q''_p – конструктив қисмлар чизиқли массаси ; ω' – лента ҳаракати қаршилиқ коэффициентлари; $\omega'k_s$ – конвейер йўналиши бўйлаб маҳаллий қаршилиқларни ҳисобга олувчи коэффициентлар; D – юритувчи барабан диаметри; u_p -редуктор узатиш сони; $P_{\text{э}}$ – юритма электр қисми параметрлари (электр мотори, тезлик ростлагичи), электр тармоғи в.б.

Лентали конвейерларда юк ташишда электр истеъмолини камайтириш мақсадида лента тезлигини лентали конвейерлар юритмаларини лойиҳалашда қўйиладиган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тезликни максимал камайтириш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «**Кон транспорт тизимлари электр юритмаларини ишга тушириш масалалари ва динамик жараёнларни тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида кон транспорт тизими электр юритмалари динамик жараёнлари, электр моторларни фазовий ва частотавий бошқариш масалалари кўриб чиқилган, кон транспорт тизими, электр юритмаларини назарий-ҳисоблаш тадқиқотларини олиб бориш учун алгоритмлар ва ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилган, электр юритмаларни ишга тушириш режимлари тадқиқ қилинган.

Кон транспорт тизими электр қисми математик моделини қуриш учун электр юритмалар дифференциал тенгламалари, ташқи таъсирлар ва иш режими параметрлари билан тизим элементлари параметрларини боғловчи алоқа коэффициентлари, алгоритмлар ва бошқариш константалари аниқланди.

Электр юритма дифференциал тенгламалари тизими:

$$\left. \begin{aligned} \bar{U} &= f(Z_H, \Pi, F, t); \\ \bar{i} &= f(Z_H, \Pi, F, t); \\ M &= f(Z_H, \Pi, F, t); \\ \omega_0 &= f(Z_H, \Pi, F, t); \end{aligned} \right\} \quad (4)$$

бу ерда, Z_H – электр юритма юкламаси тавсифи; Π – комплекс элементлари параметрлари; F – бошқариладиган ўзгарувчилар ўзгариши қонунлари; t – вақт.

Асинхрон моторни ишга туширишда кучланишни вақтга боғлиқлиги $U(t)$:

$$U = \frac{r}{x} \Psi_{fz} + \left(\frac{rx_f + r_f x}{x_\mu r_f} \right) p \Psi_{fz} + \frac{xx_f - x_\mu^2}{x_\mu r_f} p^2 \Psi_{fz} - \frac{xx_f - x_\mu^2}{\Psi_{fz0} x_f} (Jp\omega_p - M_c) x \quad (5)$$

$$x[\omega_p + \frac{x_\mu r_f}{\Psi_{fz}^2 x_f} (Jp\omega_p - M_c)] + j[\frac{x}{x_\mu} \omega_p \Psi_{fz} + \frac{rx_f + r_f x}{\Psi_{fz} x_f} (Jp\omega_p - M_c)] +$$

$$+ \frac{xx_f - x_\mu^2}{x_\mu r_f} \omega_p p \Psi_{fz} + \frac{xx_f - x_\mu^2}{\Psi_{fz} x_f} (Jp^2 \omega_p - pM_c)$$

Динамик режим вақтидаги энергия йўқотиш ($t_0 = 0$)

$$W = \frac{1}{2\sqrt{-a_4}} (C_{1\alpha}^2 + C_{1\beta}^2 [a_3 + \sqrt{-a_4} (a_2 \sqrt{-a_4} + a_2)] (1 - e^{-2\sqrt{-a_4} t_m}) - (C_{2\alpha}^2 + C_{2\beta}^2) \quad (6)$$

$$[a_3 + \sqrt{-a_4} (a_2 \sqrt{-a_4} - a_3)] (1 - e^{-2\sqrt{-a_4} t_m}) + 2(C_{1\alpha} C_{2\alpha} + C_{1\beta} C_{2\beta}) (a_3 - a_2 a_4) t_\infty$$

ёки

$$W = (\Psi_{f1} \Psi_{fn}) \approx h \sum_{j=1}^n f[t_0 + jn; \Psi_{fj}; \frac{(\Psi_{f(j+1)} - \Psi_{fj})}{h}] = \quad (7)$$

$$= h \sum_{j=1}^n [a_1 \frac{(\Psi_{fz(j+1)} - \Psi_{fzj})^2}{h^2} + a_2 \frac{\Psi_{fj} (\Psi_{fj})}{n} + a_3 \Psi_{fzj}^2 + a_{10} \frac{jp\omega_{pj} + M_n}{\Psi_{fzj}^2}];$$

бу ерда, $h = \frac{(t_\infty - t_0)}{n}$; $\Psi_{fz} \approx f(t_0 + jh); j = 1, l, n$.

Олинган ифодалар динамик кўрсаткичлар, машина параметрлари ва юклама орасидаги ўзаро алоқани ўрнатади ва асинхрон мотор динамик хусусиятларини аниқлашда қўлланилиши мумкин.

Мотор қискичидаги кучланиш қуйидаги формула билан аниқланади:

$$u_1 = 1 / [1 + \Delta u (p_{нг} + p_n k_i)], \quad (8)$$

бу ерда, $u_1 = U_1/U$ – нисбий катталикларда мотор қискичидаги кучланиш; $\Delta u = \Delta U/U$ – ҳисобланган кучланишни йўқотиш; $p_{нг} = P_{нг}/P_p$ – параллел юклама қувватлари мутаносиблиги коэффициенти; $p_n = P_n/P_p$ – ишга тушириладиган мотор қуввати мутаносиблик коэффициенти; k_i – ишга тушириладиган мотор токи кўплиги; $P_{нг}$ – параллел юклама қуввати; P_p – ҳисобланган юклама.

(18) формула бўйича электр мотори қискичидаги кучланишни ҳисобланадиган кучланиш йўқотишига $u_1 = f(\Delta u)$ боғлиқлик ҳосил бўлади (16-расм). Бу боғлиқлик ёрдамида таъминловчи тармоқдаги кучланиш йўқотишни аниқлаш ва шу йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда ўтказгичлар кўндаланг кесимини танлаш мумкин.


Олинган график кон-руда комплекслари турли қувватли электр моторлари қискичларида ва уларни тургун ишлашини таъминловчи кучланишни аниқлаш имконини беради.

Ишга тушириладиган мотор мутаносиблик коэффициенти ва электр таъминоти тармоқ кучланишидаги ҳисобланган кучланиш йўқотишга боғлиқлиги аниқланди:

$$u_{\pi} = k_u - 2 \Delta u (1 - p_n) / 1 + \Delta u (k_i p_n - 1 - p_n), \quad (9)$$

$$k_u = U/U_H,$$

бу ерда, U – мавжуд кучланиш; U_H – номинал кучланиш.



16-расм. Мотор қисқичидағи кучланишни кучланиш йўқотишга боғлиқлиги

Ҳисоблашлар электр моторларини бошқарилмайдиган ишга туширишга нисбатан бошқариладиган ишга туширишда электр энергия сарфи 15-20% га камайишини, динамик ўта юкланишлар 2-3 марта пасайишини кўрсатди.

Конвейерлар «ишга тушириш-тўхташ» режимда энергия йўқотишлари тадқиқ қилинди. 17-расмда «ишга тушириш-тўхташ» узлуксиз иш режимда тезликни ва юкланиш ўзгариши кўрсатилган.

Керакли бошланғич энергия кинетик энергия $E_{кин}$, конвейер тизими ишқаланишидаги энергия йўқотиш $E_{бош}$ ва моторни ишга туширишдаги энергия йўқотиш $E_{V_{дв}}$ дан ташкил топган.

Салт ишлашда «ишга тушириш-тўхташ» режим талаб қиладиган энергия $E_{иш-тўхт}$:


$$E_{иш-тўхт} = E_{кин} + E_{бош} + E_{V_{мот}}. \quad (10)$$

Ишқаланишдаги энергия йўқотиш узлуксиз ишдагига нисбатан икки марта кам:

$$E_{бош} = \frac{m_W \omega_W T_{нач}}{2}, \quad (11)$$

$$T_{бош} = \frac{J \omega_B}{(m_{M_{бош}} - m_W)}. \quad (12)$$

«Ишга тушириш-тўхташ» режимда узлуксиз ишлашга нисбатан кўпроқ энергия йўқотилиши рўй беради, ўзгарувчан тезликда ишлаш энергия сарфини оптималлаштиришга олиб келади.



17-расм. Конвейер тизими узлуксиз иш ва ишга тушириш-тўхташ режимида энергия истеъмоли

Диссертациянинг «**Кон транспорт тизими иш режимларини самарадорлигини такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида конвейерлар энергия самарадор ишлашини аниқлаш алгоритмини, частота ўзгартиргичли лентали конвейерлар ростланувчи электр юритмалари энергия самарадорлигини аниқлаш усуллари ишлаб чиқишга бағишланган.


Тадқиқотлар натижасида мавжуд лентали конвейерларни такомиллаштиришда электр юритмаларни бошқариш самарадор режимини танлашда фойдали бўлиши мумкин бўлган услуб тайёрланган.

Конвейерга кирувчи юк оқимининг дақиқали қийматлари бўйича конвейернинг бир дақиқали юк оқимини ва унинг қувват сарфини ҳисоблаш алгоритми келтирилган (18-расм). Жорий тезликни ҳисобга олган қувват сарфи бир дақиқага тенг вақт оралиғида ҳисобланади. Конвейернинг ҳаракатланувчи қисмлари ва кон массасининг ҳаракатга қаршилик коэффициенти, шунингдек бириктирилган қаршиликларни тўғрилаш ω , s доимийларини ҳисобга олади.

Алгоритм кўп сонли такомиллаштиришларга эга транспорт тизимини моделлаштиришнинг бир циклда ишлаш имкониятини беради. Алгоритм динамик тизимларни моделлаштириш учун MATLAB SIMULINK дастурий муҳитида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Конвейернинг чиқиш юк оқимини ҳисоблаш алгоритми ва электр истеъмолини ҳисоблаш учун алгоритм ишлаб чиқилган. Алгоритмларни қўллаб, вақт бўйича электр энергия истеъмолини ва кон массаларини ўтиш жараёнларини амалга ошириш мумкин.

Электр юритмаларни танлаш имконини берувчи турли тизимларда электр тежамкор мезонларни танлашда қуйидагилар ҳисобга олинади: $\frac{F_{қия} + F_E}{F_{умум}}$, қисман юклама сарфини умумий максимал сарфга нисбати $k_{қисм} = \frac{J_{қисм}}{J_{мах}}$, қисман юклама вақтини умумий иш вақтига нисбати $\frac{t_{қисм}}{t_{о.э.р}}$.




18-расм. Конвейер электр энергия истеъмолини ҳисоблаш алгоритми

